



## О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil «13» апрель

№ПҚ–5072

### **Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–6155-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, Давлат бюджетининг шаклланиши ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига аҳолини фаол жалб этиш ҳамда жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг:

2021 йил май ойидан бошлаб иловага мувофиқ туман (шаҳар)ларда, 2022 йил 1 январдан эътиборан республиканинг барча туман (шаҳар)ларида тегишли бюджетларнинг тасдиқланган умумий харажатларининг **5 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш** бўйича янги тартибни босқичма-босқич жорий этиш;

2021 йил 1 июлдан бошлаб жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратиладиган туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдорини **10 фоиздан 30 фоизга ошириш** ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Молия вазирлиги **бир ҳафта муддатда** мазкур қарор иловасига мувофиқ танлаб олинган туман (шаҳар)лар бюджетларига қўшимча равишда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан **92,7 миллиард сўм маблағ** ажратилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган босқичларни инобатга олган ҳолда туман (шаҳар) бюджетлари тасдиқланган харажатларининг **5 фоизига тенг миқдордаги маблағлар** жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади;

жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган маблағлар туман (шаҳар) ҳокимликларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклида очиладиган **“Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”** шахсий ғазна ҳисобварағида жамланади ва ушбу маблағларнинг **бошқа мақсадларга ишлатилиши қатъиян тақиқланади.**

4. Вазирлар Маҳкамаси **бир ҳафта муддатда** Олий Мажлис Сенатига туман (шаҳар)лар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги **намунавий низомни** тасдиқлаш учун киритсин.

Ушбу намунавий низом асосида туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари **икки ҳафта муддатда:**

ҳар бир туман ва шаҳарнинг **алоҳида хусусиятидан келиб чиқиб,** туман (шаҳар)лар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартибини назарда тутувчи қарор лойиҳасини;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг масъул ходимларидан иборат **Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссия** таркибини тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига тасдиқлаш учун киритсин.

5. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай ўзларининг **расмий веб-сайтларига** ва **“Очиқ бюджет” порталига** жойлаштирсин.

Туман ва шаҳарлар ҳокимларига жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга **бюджет маблағларининг ўз вақтида ажратилиши** ва уларнинг амалга оширилиши жараёнини ёритиб бориш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Молия вазирлигига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

жамоатчилик фикри асосида амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган **маблағларни шакллантириш тартибини такомиллаштириш;**

жамоатчилик фикри асосида амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган маблағларнинг шакллантирилиши ва сарфланиши юзасидан **ўқув семинар ва тренинглар ташкил этиш**, мазкур жараённинг моҳиятини акс эттирувчи **ўқув материалларини тайёрлаш;**

жамоатчилик фикри асосида молиялаштириладиган тадбирларга йўналтириладиган маблағларнинг шаклланиш ва сарфланиш жараёнлари **мониторингини юритиш;**

“Очиқ бюджет” порталида жамоатчилик томонидан таклиф қолдириш ва овоз бериш жараёнини **услубий, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда бошқариш.**

7. Молия вазирлиги:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 ноябрга қадар** халқаро экспертларни жалб этган ҳолда **фуқаролар иштирокидаги ташаббусли бюджетлаштиришни такомиллаштириш** бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда жойларда аҳоли ўртасида **ташаббусли бюджетлаштиришни амалга ошириш механизмини, унинг моҳиятини** кенг ёритиш мақсадида методик ҳамда ўқув материаллари тайёрланиши ва тарқатилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, молия вазири Т.А. Ишметов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 13 апрелдаги ПҚ–5072-сон қарорига  
илова

**2021 йил майдан бошлаб бюджет харажатларининг  
5 фоизи жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни  
молиялаштиришга йўналтириладиган туман (шаҳар)лар  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Ҳудуд номи</b>	<b>Туман (шаҳар)лар номи</b>	<b>Қўшимча ажратиладиган маблағ (млн сўм)</b>
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Кегейли тумани	3 429
2.	Андижон вилояти	Асака тумани	10 052
3.	Бухоро вилояти	Ғиждувон тумани	9 754
4.	Жиззах вилояти	Дўстлик тумани	2 995
5.	Қашқадарё вилояти	Қарши тумани	6 992
6.	Навоий вилояти	Хатирчи тумани	7 662
7.	Наманган вилояти	Чуст тумани	8 204
8.	Самарқанд вилояти	Булунғур тумани	6 167
9.	Сурхондарё вилояти	Олтинсой тумани	7 165
10.	Сирдарё вилояти	Ховос тумани	3 825
11.	Тошкент вилояти	Қуйи Чирчиқ тумани	3 913
12.	Фарғона вилояти	Фарғона шаҳри	10 394
13.	Хоразм вилояти	Хонқа тумани	6 507
14.	Тошкент шаҳри	Учтепа тумани	5 622
	<b>Жами</b>		<b>92 681</b>





## **XALQ DEPUTATLARI SHAYXONTOHUR TUMAN KENGASHINING QARORI**

2022 - yil 29 - yanvar

П-50-7-14-205-К/22

Shayxontoxur tumani hokimligi

### **Шайхонтохур туман маҳаллий бюджетининг 2022 йилда шаклланган қўшимча маблағларини харажатларга йўналтириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 126-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддаси ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан ҳамда туман ҳокимлигининг таклифларини инобатга олиб халқ депутатлари Шайхонтохур туман Кенгаши,

#### **Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И:**

1. Шайхонтохур туман маҳаллий бюджетининг 2021 йилда шаклланган қўшимча маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарорлари ҳамда Тошкент шаҳар туманларига ташрифлари давомида берилган топшириқлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, сайёр йиғилиш баёнлари билан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида туманда олиб борилаётган кенг миқёсдаги оммавий ва ижтимоий тадбирлар, қурилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини сифатли ташкил этишда амалга оширилаётган тадбирлар бўйича туман ҳокимлигининг таклифлари мақуллансин.

2. Шайхонтохур тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йилда шаклланган қўшимча маблағлари ҳисобидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича

қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарорига мувофиқ туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларини камида 30 фоиз миқдорини жамоатчиликнинг фикри ва таклифлари асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш учун туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январ ҳолатига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан туман ҳокимлиги қошида очилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” шахсий ғазна ҳисобварағига 1 544,0 млн. (бир миллиард беш юз қирқ тўрт миллион) сўм маблағ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка мухтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 250-сонли қарорига асосан тумандаги хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январ ҳолатига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан “Аёллар дафтари”га киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш Жамғармасига 772,0 млн. (етти юз етмиш икки миллион) сўм маблағ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 132-сонли ва 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка мухтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 250-сонли қарорларига асосан тумандаги ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январ ҳолатига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш Жамғармасига 772,0 млн. (етти юз етмиш икки миллион) сўм маблағ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4888-сонли қарорига асосан, Тошкент шаҳари Янгиҳаёт туманини ташкил этиш ишларини молиялаштириш учун туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январ ҳолатига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан (5 фоиз миқдори) 257,0 млн. (икки юз эллик етти миллион) сўм маблағ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22

апрелдаги 213-ф-сонли фармойишига асосан тумандаги “Темир дафтари”га киритилган фуқаролар ва ижтимоий химояга мухтож оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январ ҳолатига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан “Саховат ва кўмак” жамғармасига 257,0 млн. (икки юз эллик етти миллион) сўм маблағ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги ПФ-29-сон Фармони ва 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-31-сон қарорига асосан тумандаги маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман ҳокимининг ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиш, шунингдек, ҳоким ёрдамчилари, маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази ҳодимлари ва Республика ишчи гуруҳидан бириктирилган вакилларга қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 58 та компьютер тўплами ва бошқа жихозлар харид қилиш учун 485,0 млн. (тўрт юз саксон беш миллион) сўм маблағ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 январдаги “Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасидаги чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссияси йиғилишининг” 92-сонли мажлис баёни ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 17 январдаги “Тошкент шаҳрида коронавирус инфекциясини тарқалишининг олдини олиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 26-14-0-Q/22-сон қарорида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда коронавирус инфекциясига чалинган ва уй шароитида даволанаётган беморларни ўз вақтида зарур дори-дармон ва тиббий хизмати билан таъминлаш мақсадида тумандаги барча оилавий поликлиникаларга қўшимча 1 тадан 1 ой муддатга енгил автомашина бириктириш билан боғлиқ харажатлар учун 103,5 млн. (бир юз уч миллион беш юз минг) сўм маблағ;

Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла ва мавзелар ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини сифатли ташкил этиш, шунингдек, маҳалла фуқаролари йиғинларининг биноларини таъмирлаш ва



жихозлаш билан бирга тумандаги “Сархумдон” МФЙ аҳолисига ҳамда маҳаллада фаолият олиб бораётган ишчи хизматчиларга қулай иш шароитлари яратиш мақсадида мебел ва бошқа турдаги жихозлар харид қилиш учун 72,0 млн (етмиш икки миллион) сўм маблағ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4102-сон қарорига мувофиқ, туманидаги секторлар фаолиятини яхшилаш, аҳолининг муаммоларини бартараф этиш борасида ташкил этилган штабларда қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун 40,0 млн. (қирк миллион) сўм маблағ;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бошқармаси ходимлари иштирокида Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги биносининг хавфсизлигини таъминлаш, худуд ва бинога шахслар ва транспорт воситаларининг кириш-чиқиш бўйича назоратини ўрнатиш мақсадида ташкил этилган қўриқлов хизмати (2022 йил 1 январдан 31 мартга қадар) учун 126,0 млн. (бир юз йигирма олти миллион) сўм маблағлар ажратилсин.

3. Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашининг 2021 йил 12 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш тўғрисида”ги П-45-60-14-205-К/21-сон қарорининг:

- 3.3-бандидаги “Жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирлар бўйича Шайхонтоҳур тумани “Янги Камолон” маҳалласида қўп қаватли уйга (қўп қаватли 18-уйга) лифт ўрнатиш билан боғлиқ харажатлари учун дастлабки ҳисоб-китобларга асосан Шайхонтоҳур туман ҳокимлигига 210,0 млн. (икки юз ўн миллион) сўм маблағ ажратилсин” сўзлари “Жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирлар бўйича Шайхонтоҳур тумани “Янги Камолон” маҳалласида қўп қаватли уйга (қўп қаватли 18-уйга) 1 та янги лифт ўрнатиш билан боғлиқ харажатлари учун Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан Шайхонтоҳур туман ҳокимлигига 224,0 млн. (икки юз йигирма тўрт миллион) сўм маблағ ажратилсин” сўзлари билан;

- 3.4-бандидаги “Жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирлар бўйича Шайхонтоҳур тумани “Қоратош” маҳалласида қўп қаватли уйга (қўп

қаватли 9-уйга) лифтлар ўрнатиш билан боғлиқ харажатлари учун дастлабки ҳисоб-китобларга асосан Шайхонтоҳур туман ҳокимлигига 420,0 млн. (тўрт юз йигирма миллион) сўм маблағ ажратилсин” сўзлари “Жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирлар бўйича Шайхонтоҳур тумани “Қоратош” маҳалласида кўп қаватли уйга (кўп қаватли 9-уйга) 2 та янги лифт ўрнатиш билан боғлиқ харажатлари учун Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан Шайхонтоҳур туман ҳокимлигига 448,0 млн. (тўрт юз қирқ саккиз миллион) сўм маблағ ажратилсин” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашининг 2021 йил 26 январдаги 148/2-31-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги ПФ-5515-сон Фармониغا асосан туман ҳокимлиги бошқарув аппарати, халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгаши котибияти ҳамда тумандаги давлат бошқарув органлари (Шайхонтоҳур туман Молия бўлими, Шайхонтоҳур туман Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими, Шайхонтоҳур тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси) ходимларининг фолиятидаги ташаббускорликларини рағбатлантириш мақсадида, Шайхонтоҳур туман маҳаллий бюджетининг 2021 йилда даромадларни режадан орттириб бажарилган қисми ҳисобидан 2021 йил ноябр ойи лавозим маошларига қўшимча устама ҳақи учун 410 068,0 минг (тўрт юз ўн миллион олтмиш саккиз минг) сўм, 2021 йил декабр ойи лавозим маошларига қўшимча устама ҳақи учун 411 147,0 минг (тўрт юз ўн бир миллион бир юз қирқ етти минг) сўм маблағлар ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги ПФ-5515-сонли Фармониغا мувофиқ туман ҳокими ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг таклифларига биноан туман ҳокими девони, шунингдек, тумандаги давлат бошқарув органлари ходимларининг фолиятини баҳолаш натижасига кўра уларнинг хар ойлик лавозим маошларига лавозим маошининг 200 фоизига қадар бўлган миқдорларда устама белгилаш билан боғлиқ харажатларга Шайхонтоҳур туман маҳаллий бюджетининг 2022 йилда шаклланган қўшимча маблағлари ҳисобидан тегишли ҳисоб-китобларга асосан туман ҳокимининг қарорлари асосида йўналтирилишига рухсат берилсин.

6. Шайхонтоҳур туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

(Р.Аширматов), туман Молия бўлими (Ю.Юсупов): мазкур қарорда кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш бўйича маблағларни туман маҳаллий бюджетининг 2022 йилда шаклланган қўшимча маблағлари ҳисобидан ажратилиши ва ижроси бўйича туман ҳокими қарорини тайёрлаб киритсин.

7. Ушбу қарор ижроси назорати халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва туман ҳокимининг ўринбосари Р.Аширматов зиммаларига юклатилсин.

Кенгаш раиси



А.Тухтаев



## **XALQ DEPUTATLARI SHAYXONTOHUR TUMAN KENGASHINING QARORI**

2021 - yil 12 - oktabr

П-45-60-14-205-K/21

Shayxontoxur tumani hokimligi

### **Жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 126-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-657-сон Қонунининг 13-моддасига ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги КҚ-213-IV-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларининг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сон қарорларига асосан ҳамда Шайхонтохур туман “Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, талаб олиш ва ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссияси”нинг 2021 йил 9 сентябрдаги ЖК-1-Б-2-сон баённомасини инобатга олиб, Халқ депутатлари Шайхонтохур туман Кенгаши

### **Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сон ва 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сон қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 6 сентябрдаги WV82767631-сонли хатига асосан жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш мақсадида туман ҳокимлигига туман маҳаллий бюджетининг 2021 йилги шаклланган қўшимча маблағлари ҳисобидан 2 421,0 млн. (икки миллиард тўрт юз йигирма бир миллион) сўм маблағлар “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиб берилганлиги маълумот

учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сон қарорининг Низомига асосан 3-босқичда ўтказилган фуқаролар ташаббуси жараёни жорий йилнинг 1 июлидан 2 сентябрига қадар амалга оширилганлигини ва Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ва ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссиясининг 2021 йил 9 сентябрдаги таклифлар ва овозлар натижалари юзасидан қабул қилинган ЖК-1-Б-2-сон баённомаси тасдиқланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан ғолиб чиққан қуйидаги лойиҳалар “Манзилли рўйхат” асосида аниқлаштирилган маблағлар доирасида тегишинча туман маҳаллий бюджетдан маблағ олувчи бюджет ташкилотларига ажратилсин:

3.1 Жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирлар бўйича Шайхонтоҳур тумани Лабзак мавзеси (Марказ-13) турар жой даҳасига ва ёндош ҳудудларга транспорт воситаларини кириб-чиқишда ҳаракат серкатновлиги сабабли қайрилиб олиш жойини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлари учун дастлабки ҳисоб-китобларга асосан Шайхонтоҳур туман Ободонлаштириш бошқармасига 70,0 млн. (етмиш миллион) сўм;

3.2 Жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирлар бўйича Шайхонтоҳур тумани "Тахтапул" маҳалласида жойлашган Туркқўрғон кўчасини асфальтлаштириш билан боғлиқ харажатлари учун дастлабки ҳисоб-китобларга асосан Шайхонтоҳур туман Ободонлаштириш бошқармасига 400,0 млн. (тўрт юз миллион) сўм;

3.3 Жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирлар бўйича Шайхонтоҳур тумани “Янги Камолон” маҳалласида қўп қаватли уйга (қўп қаватли 18-уйга) лифт ўрнатиш билан боғлиқ харажатлари учун дастлабки ҳисоб-китобларга асосан Шайхонтоҳур туман ҳокимлигига 210,0 млн. (икки юз ўн миллион) сўм;

3.4 Жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирлар бўйича Шайхонтоҳур тумани “Қоратош” маҳалласида қўп қаватли уйга (қўп қаватли 9-уйга) лифтлар ўрнатиш билан боғлиқ харажатлари учун дастлабки ҳисоб-китобларга асосан Шайхонтоҳур туман ҳокимлигига 420,0 млн. (тўрт юз йигирма миллион) сўм маблағлар ажратилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 6 сентябрдаги WV82767631-сон хати ва унинг иловасида келтирилган туман ва шаҳарларда фуқаролар томонидан билдирилган таклифлар асосида ғолибларни аниқлаш юзасидан қўлланма талаблари асосида ғолиб деб топилган таклифлардан қуйидаги таклифлар юқоридаги қўлланмага асосан:

- тумандаги “Кохота” маҳалласида болалар майдончаси барпо этиш билан боғлиқ таклиф Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 3 февралдаги 106-сон қарорига асосан туманга ажратилган маблағлар ҳисобидан “Кохота” маҳалласида болалар майдончаси барпо этилганлиги шунингдек, маҳалла ҳудудида болалар майдончаси барпо этиш учун бўш ер майдони йуқлиги сабабли,

- тумандаги “Қоратош” маҳалласида сунъий қопламали майдон барпо этиш юзасидан берилган таклиф Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 августдаги

478-F-сон фармойиши ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 24 августдаги 180-14-0-Q/21-сон қарорига асосан “Қоратош” маҳалласи ҳудудида жойлашган 324-сон умумтаълим мактабида замонавий типдаги стадион қуриш белгиланганлиги сабабли,

- тумандаги “Кўкча дарвоза” маҳалласи Раҳмат Файзий кўчасининг Нурфайз кўчасига кесишган қисмигача асфальт қилиш юзасидан берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 апрелдаги 259-сон қарорининг манзилли рўйхатида “Кўкча дарвоза” маҳалласи Раҳмат Файзий кўчасининг Нурфайз кўчасига кесишган қисмигача асфальт қилиш қўзда тутилганлиги сабабли,

- тумандаги “Маннон Уйғур” маҳалласининг Нур файз кўчасини асфальт қилиш юзасидан берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 апрелдаги 259-сон қарорига асосан “Маннон Уйғур” маҳалласининг Нур файз кўчаси асфальт қилинганлиги сабабли,

- туманда яшил ҳудуд барпо этиш юзасидан берилган таклиф Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимининг 2021 йил 23 мартдаги 167-сон қарори ҳамда 2021 йил 21 августдаги 65-14-205-Q/21-сон қарорларига асосан Шайхонтоҳур туманини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари учун маблағ ажратилганлиги шунингдек, туман ҳудудида бўш ер майдони йуқлиги сабабли,

- тумандаги Самарқанд Дарвоза кўчасини асфальт қилиш юзасидан берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2021 йил 12 апрелдаги 36-сон баёнига асосан А.Навоий ва Қоратош кўчалари оралиғидаги Самарқанд Дарвоза кўчаси асфальт қилинганлиги сабабли,

- тумандаги “Камолон дарвоза” маҳалласининг Қозиробод кўчасини асфальт қилиш юзасидан берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 апрелдаги 259-сон қарори асосан “Камолон дарвоза” маҳалласининг Қозиробод кўчаси асфальт қилинганлиги сабабли,

- тумандаги “Гулбозор” маҳалласида автомашина турар жойини барпо этиш юзасидан берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорига асосан “Гулбозор” маҳалласида автомашина турар жойини барпо этиш шахсий эҳтиёж характериға эға бўлғалиги сабабли ушбу таклифларни молиялаштиришға жамғармадан маблағ йўналтириш рад этилмоқда.

Мазкур таклифларни молиялаштириш учун жамғарма ҳисобидан йўналтирилиши лозим бўлган маблағ кейинги ўринларни эғаллаган таклифларни молиялаштириш учун йўналтирилиши инобатға олинсин.

5. Шайхонтоҳур туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Каримов), ҳокимлик бош ҳисобчиси (С.Пулатова):

Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан ажратилган маблағларни белгиланган тартибда буюртмачи ташкилотлар “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларни қуриш бўйича инженеринг компанияси Тошкент шаҳар филиали Давлат унитар корхонаси” ва туман Ободонлаштириш бошқармасининг ҳисоб рақамларига ўтказиб бериш чораларини кўриш ва мақсадли сарфланиши тaminлансин.

6. Шайхонтоҳур тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси (Б.Мирсаматов):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда молиялаштириш чораларини кўрсин.

7. Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги (А.Юлдашев), туман Ободонлаштириш бошқармаси (Б.Ғайбуллаев):

ажратилган маблағларни қонунчиликда белгиланган тартибда мақсадли ва самарали сарфланишини ҳамда амалга ошириладиган ишларни сифатли бажарилиши таъминлансин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси**



**А.Х.Тухтаев**



А. Тухтаев  
 Ҳисобдор  
 Шайхонтоҳур туман

Шайхонтоҳур тумани бўйича 2021 йилда жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларини моҳиялаштириш бўйича  
 МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

Минг сўм

№	Ҳолгиб таклиф маълумотлари			Амалга оширишнинг аниқланган қиймати	Ҳақиқатда ажратилган*	Молиялаштириш манбаси (ФТЖ, кўшимча манба, бюджет параметри)	Буюртмачи ташкилот
	Таклиф ID рақами	Қисқача мазмуни	Тушлаган овозлар сони				
<b>"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" да шаклланган маблағ</b>							
1	100300003	"Ҷ"да "Маҳалласи Абдулла Қодирий кўчасидан Дабзак чоррахасига етмасдан кўприк тагидаги махсус қолдирилган жойни қайрилиб олш жойи ташкил этиш.	111	70 000	70 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман Ободонлаштириш бoshқармаси
2	100300055	"Қоҳ-ога" маҳалласида болалар майдончаси барпо этиш.	41	300 000	0	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	
3	100300024	"Тахтабул" маҳалласи Турккурган кўчасини асфальт қилиш.	27	400 000	400 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман Ободонлаштириш бoshқармаси
4	100300077	"Қорагош" маҳалласида суний стадион барпо этиш.	25	300 000	0	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	
5	100300017	"Қўқча Дарвоза" маҳалласи Раҳмат Файзӣ кўчасининг Нурфайз кўчасига қосишган қисминга асфальт ётқишиш.	24	500 000	0	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	
6	100300002	Яшил парк (Худуд) барпо этиш.	4	900 000	0	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	



7	100300020	"Янги камолон" маҳалласида кўл қаватли уйларга лифт ўрнатилиши.	3	300 000	210 000	Фукаролар ташаббуси жамғармаси	Кўл хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси Тошкент шаҳар филиали Давлат унитар корхонаси
8	100300038	"М.Уйгур" маҳалласи Нур фойз кўчасини асфальт қилиши.	1	300 000	0	Фукаролар ташаббуси жамғармаси	
9	100300096	"Қорагош" маҳалласидаги кўл қаватли 9 уйнинг лифтларини алмаштираши.	1	400 000	420 000	Фукаролар ташаббуси жамғармаси	Кўл хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси Тошкент шаҳар филиали Давлат унитар корхонаси
10	100300028	Самарқанд дарвоза кўчасини асфальт қилиши.	1	600 000	0	Фукаролар ташаббуси жамғармаси	
11	100300034	"Қамолон дарвоза" маҳалласи Қозиробод кўчасини асфальт қилиши.	1	400 000	0	Фукаролар ташаббуси жамғармаси	
12	100300016	"Гулбозор" маҳалласида авто машиналар учун тураргоҳ қуриш керак.	1	300 000	0	Фукаролар ташаббуси жамғармаси	
13	100300121	"Қорагош" маҳалласида суний стадион барпо этиши.	1	40 000	0	Фукаролар ташаббуси жамғармаси	
<b>Таксимиланмаган маблаг</b>					1 321 000		


Туман ҳокимининг Молия-иқтисодий ва Камбағалликни қисқарттириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари

Туман ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи

Туман ҳокимлиги Молия бўлими муdiri

  
М.Каримов

  
З.Тахирова

  
Ю.Юсупов



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Тошкент шаҳри

Toshkent shahar, 100011, Abay ko'ch., 6-uy Tel: +998 71 244-25-67, Faks: +998 71 244-25-66, e-mail:  
dav\_ekspertiza@mail.ru www.mc.uz [www.mc.uz](http://www.mc.uz)

Holati: Ijobiy

Direktor: SHOBUTA'EV BOBIR A

Sana: 31-03-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 35184**

**Ob'ekt nomi** «Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, ko'p xonadonli turar joy binolaridagi lift uskunasi yangilash (3 ob'ekt)»

**Buyurtmachi** - "Ko'p xonadonli uylarni mukammal va joriy ta'mirlash hamda issiqlik ta'minoti ob'ektlarini qurish bo'yicha injiniring kompaniyasi" DUK Toshkent shahar hududiy filiali.

**Bosh loyihachi** - «SUPER PROJECTS CENTER» MChJ.

**Litsenziya** 2021-yil 2-avgustdagi AL-001879-son, O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi.

**Moliyalashtirish manbai** - Byudjet mablag'lari hisobidan.

**Bosh pudratchi** - Tanlov asosida aniqlanadi.

**Qurilish turi** Mukammal ta'mirlash

**Murojaat raqami:** № 33799

**1. Loyihalash uchun asos**

Xalq deputatlari Shayxontohur tumani kengashining 2021-yil 12-oktyabrdagi II-45-60-14-205-K/21-son va 2022-yil 29-yanvardagi II-50-7-14-205-K/22-son qarorlari.

2022 yilda buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan loyihalash topshirig'i.

Loyiha-smeta ishlari uchun tuzilgan 2022-yil 7-martdagi 134164-son shartnoma.

"Abdurashid-kommunalchi" va "Sarlochkin-kommunalchi" XUJMSHlar tomonidan rasmiylashtirilgan nuqson dalolatnomalari.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

Buyurtmachining 2022-yil 14-martdagi 01/062-son buyurtma xati.

Lift uskunalarining joylashuv chizmalari.

Ekspertiza ko'rigiga qadar ob'ektning ta'mirlash ishlarining loyiha tashkiloti tomonidan nuqsonli dalolatnomaga asosan tayyorlangan smeta hujjatlarining umumiy qiymati 15% QQS bilan hisoblanganda jami - 893 430,593 ming so'mni, me'yoriy mehnat sarfi resurs smetasi bo'yicha - 4947,02 kishi/soatni tashkil etadi.

Ob'ekt yig'ma lokal resurslarining ro'yxati (Ishlatiladigan mashina va mexanizmlar hamda qurilish materiallar ro'yxati).

«GOLDEN LIFT» MChJ QKning 2021-yil 13-avgustdagi 161-son va «TEXNOPARK» MChJning 2021-yil 9-sentabrdagi 12/9060-son tijorat takliflari.

### **3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

«Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, ko'p xonadonli turar joy binolaridagi lift uskunasini yangilash (3 ob'ekt)» ishlarida Yangi Kamolon MFY, 18-uy, 3-kirish yo'lagi (8 qavatli bino), Qoratosh MFY, 9-uy, 1-kirish yo'lagi (9 qavatli bino) hamda Qoratosh MFY, 9-uy, 2-kirish yo'lagida (9 qavatli bino) lift uskunasini yangisiga almashtirish ishidan iborat bo'lib, yangilangan lift uskunasini quyidagi texnik ko'rsatgichlariga ega:

- 450 kg yuk ko'taruvchi;

- 1 m/s tezlikka ega;

